

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 20 (11.081)

Баҳоси эркин нарҳда

2008 — Ёшлар йили

МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШЛАР, ЖУМЛАДАН, БОЛАЛАР ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, МАНФААТЛАРИНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР ЮКСАК САМАРАЛАР БЕРМОҚДА.



ЭРТАСИНИ ЎЙЛАГАН ХАЛҚ ФАРЗАНДИНИ ЭЪЗОЗЛАЙДИ

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Асосий мақсадимиз — юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир" маърузасида Ёшлар йилида навқирон авлоднинг манфаатларини таъминлашни кучайтиришга доир ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Шу жиҳатдан ақинда матбуотда эълон қилинган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун давлатимиз раҳбари қўйган юксак вазифаларнинг амалдаги яна бир ижроси бўлди. Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган мазкур ҳуқуқий ҳужжат мамлакатимизда бола ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ушбу қонунда Ўзбекистон Республикасининг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Улар орасида боланинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш алоҳида ўрин тутди.

Маълумки, боланинг ҳуқуқи унинг туғилишидан аввал пайдо бўлади. Шу боис мамлакатимизда гўдақнинг, аввало, соғлом туғилишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. «Соғлом она — соғлом бола» деган эзгу тамойилга амал қилиниб, туғиш ёшидаги аёллар саломатлигини янада мустаҳкамлашга эътибор тобора кучайтириляптир.

Оналик ва болаликни муҳофаза этишга қаратилган фармонлар, қарорлар, мақсадли дастурлар қабул қилиниб, изчил амалга оширилмоқда. Чақалоқ дунёга келган кундан бошлаб тиббий назоратга олинди. Уни турли касалликлардан, соғлом камол топишига хавф соладиган таъсирлардан асрашга қатъи эътибор берилляптир. Ушбу йўналишда мамлакатимизда гўдақнинг умир ва соғлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар бераётган улкан самаралар халқроқ экспертлар томонидан юксак баҳоланяётгани бунинг далилидир.

(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қасқа сатрларда

- **ШАЙХОҲТОХУР** туманидаги «Оила маросимлари» марказида **ЎТГАН** кун «Ёш оила қурувчилар» мактаби тингловчилари иштирокида ўтказилган тадбир «Оила—муқаддас Ватан» деб номланди.
- **КЕЧА** шаҳрида Ўзбекистон—Япония ҳамкорлиги доирасида ташкил этилган «Кичик ижтимоий лойиҳалар учун» дастури доирасидаги гўн шартномасини имзолаш маросими бўлиб ўтди.
- **КЕЧА** Халқроқ ҳамкорлик марказида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Япониянинг «Жайка» агентлиги ҳамкорликларида тиббиёт соҳасидаги икки томонлама алоқаларни янада кучайтириш мақсадида Япония шифоналарида тажриба алмашиб қайтган мамлакатимиз ҳамширалари билан учрашув ташкил этилди.
- **КЕЧА** Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон телевиденисининг режиссёри Хамид Қарамоновнинг ижодий фаолиятига бағишлаб ўтказилган адабий кечада санъаткорлар, актёрлар, режиссёрлар, шоиру ёзувчилар иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВА САҢАТ КЎРГАЗМАСИ ЗАЛИДА МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ТАШАББУСИ БИЛАН МИЛЛИЙ ЧОЛГУ АСБОБЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

ГЎЗАЛЛИКНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги кенг вазифаларни ҳал этишга қодир авлодни тарбиялаш муҳим вазифалардан эканини алоҳида таъкидлади. Ёшлар маънавиятини юксалтиришда, улар қалби ва онгида она-Ватанга му-

ҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, умрбўқий аънаваларимизга ҳурмат туйғуларини чуқур сингдиришда, эзгу ва ҳаётбахш ғоялар сари ундашда мусиканинг ўрни бекиёс. Шу боис юртимизда санъатнинг барча йўналишлари каби миллий мусикамизни янада ривожлантириш, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ёш истеъодларнинг иқтидори рўйбга чиқиши учун кўмаклашиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).



Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида 29 январь кун мазкур кўрик-танловнинг 2007 йилдаги натижалари бўйича якуний босқич бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлубов, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари М.Зуфарова, олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Парпиев ва бошқалар Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда тинчлик-осойишталик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада кўксалтириш борасида амалга ошириляётган изчил ишларнинг ўз самараларини бераётганини, бунда жойлардаги милиция таянч пунктларининг хизмати қатъи эканлигини алоҳида таъкидлади. Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг мустаҳкам тизими яратилгани қайда этилди.

Ушбу тизимнинг самарасини милиция таянч пунктлари фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин. Мавжуд 3534 милиция таянч пунктида хизмат қиляётган профилактика инспекторлари ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари, маҳалла оқсоқоллари, маҳалла посбонлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар кенгаши билан ҳамкорликда фаолият кўрсатяётгани тўғрисида фуқаролар дун қалаётган қўллаб-қувватлаш ва еркин ўзид хал қилинмоқда. Натижада мазкур идораларнинг обрў-эътибори ва мавқеи янада ошиб, жамоатчилик билан ҳамкорлиги мустаҳкамланмоқда, жиноятчилик йилдан-йилга қамаймоқда.

(Давоми 2-бетда).

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ТАЯНЧИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ЖУДА КАТТА. ТИЗИМДАГИ ИШЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИЛГОР ТАЖРИБАНИ ОММАЛАШТИРИШДА АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН «НАМУНАЛИ МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.

Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда тинчлик-осойишталик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада кўксалтириш борасида амалга ошириляётган изчил ишларнинг ўз самараларини бераётганини, бунда жойлардаги милиция таянч пунктларининг хизмати қатъи эканлигини алоҳида таъкидлади. Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг мустаҳкам тизими яратилгани қайда этилди.

Ушбу тизимнинг самарасини милиция таянч пунктлари фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин. Мавжуд 3534 милиция таянч пунктида хизмат қиляётган профилактика инспекторлари ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари, маҳалла оқсоқоллари, маҳалла посбонлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар кенгаши билан ҳамкорликда фаолият кўрсатяётгани тўғрисида фуқаролар дун қалаётган қўллаб-қувватлаш ва еркин ўзид хал қилинмоқда. Натижада мазкур идораларнинг обрў-эътибори ва мавқеи янада ошиб, жамоатчилик билан ҳамкорлиги мустаҳкамланмоқда, жиноятчилик йилдан-йилга қамаймоқда.

(Давоми 2-бетда).

«ЎЗБЕКИСТОНДАГИ САЙЛОВЛАР ХОЛИС, ЭРКИН ВА ҲАҚҚОНІЙ ТАРЗДА ЎТДИ»

ПОКИСТОНДА ИНГЛИЗ ТИЛИДА НАШР ЭТИЛАДИГАН «FRONTIER POST» ГАЗЕТАСИ «ІТЕНАД» ГАЗЕТАСИНІНГ БОШ МУҲАҶИРИ ТОҲИР ФАРУҚНИНГ АНА ШУНДАЙ САРЛАВҲА ОСТИДАГИ МАҚОЛАСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ. УНИНГ МУАЛЛИФИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТГАН ХОРИЖИЙ КУЗАТУВЧИЛАРДАН БИРИДИР. ТОҲИР ФАРУҚ САЙЛОВ КУНИ БУХОРО ШАҲРИДАГИ ОВОЗ БЕРИШ УЧАСТКАЛАРИДА БЎЛГАН ЭДИ.

Исломобод, Пешавор ва Лахор шаҳарларида чоп этилядиган «Frontier Post» газетасининг адади 30 минг нусхани ташкил этади. У нафақат Покистон, балки Ҳиндистон ва Афғонистон ҳудудларида ҳам тарқатилди.

Тоҳир Фаруқнинг таъкидлашича, «юксак маълумотга ва етарлича ахборотга эга бўлган ўзбек халқи сайлов аҳамиятини яхши тушунади. Жамиятдаги турли қатлам вакиллари сайлов уларнинг ҳаётига ижобий ўзгаришларни олиб келувчи жуда муҳим омили эканини яхши англайди».

Мақола муаллифининг сўзларига қараганда, сайловдан бир кун аввал Тошкентда турли кишилар билан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлган. Пойтахт ресторанидан бирининг хизматчиси покистонлик журналистнинг ҳамсуҳбатларидан бўлди. Шу муносабат билан Тоҳир Фаруқ қуйидагиларни таъкидлайди: «Мен ундан 23 декабрда ким учун овоз беришини сўрадим. У мени хайратда қолдириб, ушбу саволга жавоб беришдан бош тортди ва бунинг сабабини овоз яширин тарзда бериши билан изоҳлади. Бирок, сўнгра у шундай деди: «Яхши, агар сиз бунга қаттиқ қизиқиш билдираётган экансиз, айтишим мумкин, мен Ислам Каримов учун овоз берман. У мустақилликка эришилгандан сўнг мамлакат фаровонлиги йўлида жуда кўп ишларни амалга оширди ва агар Ислам Каримов яеининг муддатга яна қайта сайланса ўз сайловолди дастурларидаги мақсадларни тўла ҳаётга татбиқ этишига ишонман». Навбатдаги суҳбатдош дўкон сотувчиси бўлди. У қуйидагиларни айтди: «Ислам Каримов юртим учун қўлгина хайрли ишларни амалга оширмоқда ва шу боис мен ва оила аъзоларим унинг номзодини ёқлаб овоз берамиз».

Т.Фаруқнинг фикрича, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ошқора ва эркин сайловни ўтказишга масъулият билан ёндашди. Овоз бериш участкалари мамлакатимиз барча шаҳар ва қишлоқларида ташкил этилди. Комиссия ҳар бир сайловчига овоз бериш участкасида қайд этилган таклиф хабарномасини юборди. Сайлов кунини участкаларда сайловчиларнинг узун навбати кузатилган бўлса-да, ҳамма ерда тартиб ва интизомга риоя қилинди».

Сайлов комиссияси тўрт нафар номзоднинг барчасига сайлов кампанияси чоғида тенг ва қулай шарт-шароитларни таъминлаб берди. Жамоатчилик билан учрашувларни ташкил этиш ҳам ушбу ташкилот зиммасига юклатилди. Сайлов комиссияси томонидан барча номзодлар ҳақида маълумотларни ўзид ахс эттирган плакатлар чоп этилиб, жамоат жойларида осиб қўйилди.

Одамларнинг сайловга бораётганини кўриш гоёт қувонарли бўлди. Сайловчиларнинг иштироки 90 фоиздан зиёд экани ташкил этди. Уларнинг 88,1 фоизи Ислам Каримов номзоди учун овоз берди».

Ўз мақоласида Т.Фаруқ Ўзбекистоннинг замонавий тарихига ҳам назар ташлайди. «Мустақиллик эълон қилингандан сўнгги даврда қатор собиқ шўро республикалари, жумладан, Марказий Осиё давлатлари сезиларли иқтисодий муаммоларни бошдан кечираётгани ва сиёсий вазият беқарорлашган эди, деб ёздади покистонлик журналист. Ислам Каримов узокни кўра биладиган раҳбар сифатида Ўзбекистон олдид а юзага келган таҳдидларни яхши англаб етган эди. У Ислам маданиятини тиклаш ва қайта қарор топтириш сари қадам ташлади. Унинг раҳнамолигида масжид, мадраса, макбара ва бошқа муқаддас қадимжолари қайта тиклаш ва таъмирлаш ишлари бошланди».

(Давоми 2-бетда).

● Самарқандда ўн кун мобайнида давом этган Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари ҳокимлари ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокидаги давра суҳбати шаклидаги минтақавий семинар ниҳоясига етди.

● Кеча Ўзбекистон Давлат консерваториясида Ҳиндистон республикаси миллий байрами — Республика кунига бағишланган концерт бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Лаъл Баҳодир Шастри номидаги Ҳинд маданият маркази ва Ўзбекистон—Ҳиндистон дўстлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилди.

● Тошкентда ЎзЛиДеП, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида тайёрланган «Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари» китобининг тақдими ўтказилди.

● «ЭКОСАН» халқроқ ташкилоти «Ёшлар йили»га бағишланган мақсадли дастури доирасида навбатдаги 30 миллион сўмликдан зиёд инсонпарварлик ёрдами ортлган саломатлик автопоездни Жиззах вилоятига жўнатди.

● Самарқанд туманидаги Ўрташқ қишлоғида янги ФХДЭ бўлими фаолият кўрсата бошлади. Ёшлар маркази мажмуаси ёнида барпо этилган ушбу иншоот янги оила қураётган қишлоқ ёшларига «Ёшлар йили»да муносиб совға бўлди.

● Андижон туманида иш бошлаган «Рубарстраст» кичик корхонаси хориж технологияси асосида сифатли пойабзал ишлаб чиқаришни бошлади. 250 минг АҚШ долларлик хорижий ишлаб чиқариш ускуналари ўрнатилган ушбу корхонада ҳозирда 30 нафар ишчи икки сменада рақобатбардош пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда.

● Навоий вилояти асарларичилари ассоциацияси ўтган йилни самарали яқунлади. Улар мавсумда 300 тоннадан зиёд экологик тоза асал олишга муваффақ бўлишди.

● Тошкент-Ўш автомобиль йўлининг пойтахт вилояти ҳудудидаги қисмида махсус тактик ўқув машқлари ўтказилди. Ушбу машғулотлар Камчиқ довоида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масаласига бағишланди.

● Хоразм вилояти Маънавият тарғибот марказида «Маънавият ёшлар — Ватанимиз келажаги» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент Тиббиёт академияси ва Аxbорот технологиялари университетининг Урганчдаги филиаллари, мазкур университет қошидаги 1-сон академик лицей талабалари иштирок этишди.

● Навбахор туманининг Қалқонота, Ўзбекистон, Армижон, Шодибек, Рометан сингари 15 та кўрғонда 18,5 километрик тоза ичимлик суви қувурлари қайта таъмирдан чиқарилди.

ЖАҲОНДА

● Канада Бош вазири Стивен Харпер, агар НАТОга аъзо давлатлар Афғонистонга қўшимча қучлар киритмаса, 2009 йилнинг февралда расмий Оттава ўз қўшинларини бу мамлакатдан олиб чиқишини билдирди.

● Кенияда давом этаётган қабиалараро тўқнашулар жиддий тус олиб бормоқда. Жумладан, охириги тўрт кун мобайнида мамлакат бўйлаб 120 нафар одам ўзaro тўқнашуларнинг қурбонига айланди. Кеча эса парламент аъзоси ўлдирилди. Ушбу мамлакатда тинчликни таъминлашга бош қўшаётган БМТнинг собиқ бош қотиби Кофи Аннан Кенияда осойишталикка эришиш учун қамида бир ой вақт кераклигини таъкидлади.

● АҚШнинг Филадельфия штатида ўтказилган праймеризда мамлакат президентлигига номзод Хиллари Клинтон голиб чиқди.

● Латвиянинг собиқ президенти Вайра Вике-Фрейберга хоним ўзини журналистика соҳасида синаб кўрмоқчи. Собиқ президент мамлакат телеканалларининг бирида 25 дақиқалик «Биз бормиз» дастурини очди. Ушбу кўрсатув ҳар ойда бир марта эфирга чиқади.

● Тинимсиз ёғаётган ёмғирлар Боливида кучли сув тошқинларини келтириб чиқарди. Натижада 9 департаментдан 8 тасида юкмули касалликлар кўпайди, 30 киши ҳаётдан кўз юмди. Бутун мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

● Краснодар ўлкасида кучли қор ёғиши натижасида тоғларда бедарак йўқолган альпенистларнинг иккита гуруҳи топилди. Беш кишилик гуруҳ қутқариб олинган бўлса, 4 кишидан иборат иккинчи гуруҳга тоғнинг ўзид а ёрдам берилмоқда.

● Жазоирда содир бўлган портлаш оқибатида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди ва йигирмага яқин одам жароҳатланди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига қараганда, автомобилга ўрнатилган портловчи мослама полиция участкаси яқинида ишга туширилган.

● Москвада тўпли хоккей бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтмоқда.

● Австралида теннис бўйича «Катта дубулга» туркумига кирувчи йилнинг биринчи йирик мусобақаси — 2008 йилги Австралия очик чемпионатининг голиблари маълум бўлди. Эркалар ўртасидаги мусобақаларда сербиялик Новак Жокевич голиб чиққан бўлса, аёллар баҳсида россиялик Мария Шараповага тенг келади деган тилимлади.



2008 — Ёшлар йили

КАМОЛОТ САРИ ЙЎЛ

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАХКАМЛАШ, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ, АЙНИҚСА ЁШ АВЛОДНИНГ ҚАЛБИ ВА ОНГИГА ОНА-ЮРТГА МУХАБАТ, ИСТИҚЛОЛГА САДОҚАТ ТҮЙҒУЛАРИНИ ЧУҚУР СИНГДИРИШ БУГУН ЯНАДА ДОЛЗАБ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.

Шундан келиб чиққан ҳолда «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан «Камолот сари йўл» акцияси ташкил этилди. Президент Исом Каримовнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори, Тошкент шаҳар ҳокимиюни 2006 йил 14 сентябрдаги қарори ва «Тошкент шаҳрида 2007 йил сентябрь-декабрь ойларида амалга ошириладиган маънавий-маърифий ва ғоявий-мафқуравий соҳадаги долзарб вазифалар» дастури ижросини таъминлаш, олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш мақсадига ташкил этилган ушбу тадбир ғоят фойдали ва мароқли ўтгани билан муҳим аҳамият касб этди.

«Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан «Камолот сари йўл» акцияси ташкил этилди. Президент Исом Каримовнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори, Тошкент шаҳар ҳокимиюни 2006 йил 14 сентябрдаги қарори ва «Тошкент шаҳрида 2007 йил сентябрь-декабрь ойларида амалга ошириладиган маънавий-маърифий ва ғоявий-мафқуравий соҳадаги долзарб вазифалар» дастури ижросини таъминлаш, олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш мақсадига ташкил этилган ушбу тадбир ғоят фойдали ва мароқли ўтгани билан муҳим аҳамият касб этди.

жабб этиш, бу йўсинда масъулавир бириктириш, жамоат ишларига жалб қилиш, сабабсиз дарс қолдираётганларга нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилиб, тарбиявий тушунтириш ишлари индивидуал равишда олиб борилди. 3-гуруҳ иштирокчилари 14-16 ёшдаги ўғил ва қизлардан ташкил топди. Миллатини миллий тарбия шакллантиради. Ёшлар қалбига мустақиллик ғояларига садоқатни шакллантириш, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, аънава ва қадриятларини ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган «Комил инсон тарбиясида маънавиятнинг ўрни» мавзусидаги маънавий-маърифий, бадиий мусиқий тадбирлар, давра суҳбатлари, ижодий ишлар танлови, кўрик-танловлар, маъруза, илмий ижодий конференция, ижодий учрашув, илмий баҳслар, театрлашган концерт, оммавий томоша, маросим, маданий сайил, байрам, фестивал, дам олиш кечалари танлиқ ёзуви, шоир, олимлар, спорт ва санъат усталари иштирокида ўтказилди. «Миллий ғояни ёшлар онгига сингдириш», «Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш», «ОИТС ва гивҳандликнинг олдини олиш», «Ислом динига муносабатини шакллантириш», «Экологик билимларни ошириш», «Давлатимиз рамзлари», «Миллий урф-одат ва қадриятлар», «Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик», «Аждодларимиз восирлари», «Қонун ва Ёшлар» каби ўндан ортик йўналишлар ва уч юзга яқин мавзуларда тадбирлар ўтказилди. Тадбирларни ўтказишда ташкилотчилардан илмий-ижодий ёндашув, талабчанлик, ижодкорлик, ташкилотчилик, жонқурлик талаб қилин-

ди. Шундай қилиб ушбу фазилатлар ёшларда ҳам шакллана боради. Жойларда тақсимланган мавзулар бўйича ижодий ишлар кўриги туман «Камолот» ЕИХ томонидан, тадбирлар туман Маънавият тарғибот маркази раҳбарлари томонидан баҳолаб борилди. Шунингдек, жаҳоннинг глобал муаммосига айланб қолган ОИТСга қарши кураш Халқаро кўнига бағишлаб «ОИТС, бу — замонамизнинг энг дахшатли вабоси», «ОИТС-СПИДга нисбатан стигма ва камситишга қарши кураш», шахс ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича мутахассислар иштирокида ёшлар билан ушбу вабо вирусининг тарқалиши натижасидаги муаммолар, ҳаётий вазиятлар таҳлил қилиниб, маъруза, суҳбатлар уюштирилди. Пойтахт ёшларининг маънавий салоҳиятини оширишга қаратилган «Камолот сари йўл» акциясида фаол иштирок этган, миллий мафқура ва истиқлол ғояларини ёшлар онгига сингдириб боришда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишда юқори натижаларга эришган мактаб ва туман жамоалари ўртасидаги голиблар— Чилонзор тумани «Энг намунали», Сергели тумани «Энг фаол», Мирзо Улуғбек тумани «Энг ташаббускор» номинациялари бўйича Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. «Камолот сари йўл» акцияси давомида мингга яқин маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб унда 60.000 нафар болалар қамраб олинди.

Гулнора АБДУВАХОБОВА, «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг маданият ва маънавий-маърифий ишлар бўлими мудири

Фармон ва ижро ИСЛОҲОТЛАРДАН МАҚСАД — ИНСОН МАНФААТЛАРИ

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР, ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ВА ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД ИНСОНЛАР МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ, ВАТАНИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЙТИГА ЭРИШИШ ВА ШУНГА ИНТИЛИШДАН ИБОРАТ.

Агар Истиқлолимизнинг орда қолган 16 йиллини сарҳисоб қиладиган бўлсак, юртимизда турли йўналишларда амалга оширилган ишларнинг кўлами ниҳоятда кенг эканлигига ҳар биримиз ўз ҳаётимиз мисолида ҳам гувоҳ бўламиз. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг Фармон ва Қарорларида белгиланган, қабул қилинган қонун ҳужжатларида қайд этилган вазифаларнинг амалдаги ижроси бўйича оғир ва энгил саноат, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, ички истеъмол бозорини ўзинида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириб, солиқ тўловидаги имтиёзларнинг қорхоналар ривожини ва одамлар турмуш тарзига таъсири, республикамизда суғурта тизимининг бугунги аҳволи ва уни ривожлантиришнинг имкониятлари, аҳолига имтиёзли равишда ипотека кредити бериш тизимини такомиллаштириш, аҳолини иш билан таъминлаш, бандлик муаммосини ечиш борасида жойларда тўпланган ибратли тажрибаларни оммалаштириш, тадбиркорлик субъектларининг аҳоли даромадларини оширишдаги ўрни, маийш хизмат кўрсатиш тизимларини замонавийлаштириш, аҳолига кўрсатиладиган юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва бошқаш хизмат турларини жадал ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари ички ва ташқи сайёҳлик имкониятларидан самарали фойдаланиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, бозорларда аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг, тиббий хизмат кўрсатишнинг сифатини яхшилаш, уй-жойларни сифатли таъмирлаш ва фойдаланишга топшириш, аҳолини сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлаш каби бир қатор масалалар жойларда ўзининг ижобий ечимини топаётганлигини ҳар бир жабҳада кўришимиз мумкин.


Республикамиз Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган Фармони ҳам мамлакатимиз аҳолисига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни янада тараққий эттириш, юртимиздаги тиббиёт муассасаларининг ўз моддий-техника базасини мустаҳкамлаб олишлари, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, фаолиятларининг яхшиланишига эришишларига салмоқли ҳисса қўшиш мақсадларига йўналтирилган.

Фармоннинг 7-бандида «2007 йил 1 октябрдан аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматларидан ташқари) тиббиёт муассасалари товарлар (иш, хизматлар) сотиш ҳажмларидан тушадиган даромадларни бюджетдан ташқари Пенсия жағғармасига ўтказиладиган мажбурий ажратмалар ва ягона ижтимоий тўловлардан ташқари, 5 йил муддатга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан озод этиш, бўшайдиган маблағларнинг тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга мақсадли йўналтирилиши кўрсатиб ўтилган. Жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтиришда бу каби саъй-ҳаракатларнинг самара бериши турган гап. Қолаверса, аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатувчи тиббиёт муассасаларига берилган бу имтиёз биздаги тиббий хизматларнинг ҳам дунё стандартлари даражасида бўлишини таъминлаш имконини беради. Фармонда аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатувчи тиббиёт муассасалари учун яна бир қулайлик яратилиши айтилганки, бунга кўра «2013 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда мулкчилик шаклидан қатъи назар тиббиёт муассасалари (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича олиб келинадиган янги тиббий жиҳозлар учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштирувчи йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинади».

Буларнинг ҳаммаси шунинг кўрсатадики, бугунги кунда дунё халқлари билан интеграциялашув жараёнига дадил кириб бораётган халқимиз, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси жаҳон халқлари баҳраманд бўлаётган юқори сифатли тиббий технология имкониятлардан тўлақонли фойдаланишлари, юртдошларимиз Ватан, халқ манфаатлари йўлида ҳалол, фидокорона меҳнат қилиб, фан-техниканинг энг илғор ютуқларини эгаллаб, ҳунар ўрганиб, ўз иқтидори, қобилият ва салоҳиятини юрт равнақи, унинг ҳар томонлама тараққий этиши йўлида сарфлашлари учун кенг кўламли имкониятлар, имтиёзлар мавжуд ва булардан оқилона фойдаланишларига ҳеч қандай монеълик йўқ. Зотан, республикамизда амалга оширилаётган тув ислоҳотлардан мақсад ҳам аслида юртдошларимизнинг қорига яраш, уларнинг мушуқлини осон қилиш чораларини излаб топишдир.

М.СУЛТОНОВА, Бектемир тумани ДСИ «Хужжатли текширишларни ташкиллаштириш» бўшбаси бошлиғи

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН 2008 ЙИЛНИНГ ЁШЛАР ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ЮРТИМИЗДА МИЛЛИОНЛАБ ЁШ АВЛОДГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЯНА БИР КЎРИНИШИДИР. 2008 ЙИЛ ҲАҚИЙИ МАЪНОДА ЁШЛАР ҲАЪТИДА МУХИМ ЎРИН ТУТИШИ ШУБХАСИЗДИР.



Янги лойиҳалар

АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

Янги йилнинг илк ойдан бошлаб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан мамлакат ёшларини етук билимли мутахассис, комил инсон бўлиб тарбиялашларида янги мақсадли лойиҳалар, танловлар ишлар чўқилиб, амалга оширилмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мамлакат ёшларини ватанпарвар, юксак маънавиятли, қлмли, соғлом, ақл-идроқли, жамиятдаги ўзгаришларда фаол иштирок этиш, ташаббускор бўлишга даъват этувчи, уларни ягона мақсад сари бирлаштирувчи ташкилот сифатида иш олиб боради. Демак Ёшлар йили деб эълон қилинган 2008 йил ташкилот учун ғоятда масъулиятли, ўрни келганда янада имкониятларга бой йил бўлиши аниқ. «Камолот»чилардан эса ўз навбатида янги-янги ғоялар, қизиқарли лойиҳалар, ёшларга мўлжалланган фойдали дастурлар тайёрлаш ҳамда ташаббуслар билан қизиш талаб этилади.

Эрта тонгда Бухоро темир йўл бекатида уларни Бухоро вилояти «Камалак» болалар ташкилоти раиси Адолат Акрамова ва «Камолот» ЕИХ Бухоро шаҳар Кенгаши раиси Баҳром Хусейновлар вилоят сардорлари билан биргаликда хуш кайфият билан кутиб олишди. Лойиҳадан ўрин олган илк тадбир ўз бағрида 94 нафар ёшларни тарбиялаётган 32-Меҳрибонлик ўйида ташкиллаштирилди. Чилонзор туманидан етиб келган Қорбобо ва Қорқизнинг ажойиб байрам совғалари, турли ўйинлар, ранг-баранг саволлар, сахна кўринишлари Меҳрибонлик ўйи тарбияланувчиларига олам-олам қувонч бахш этди. Айниқса болаларнинг билимларини синнаш учун мақсадли ташкил этилган қизиқарли савол-жавоблар, шеърхонлик кечаси уларга кўпроқ манзур бўлди.

Тадбир давомида танловларда иштирок этган болажонларга ҳаракатининг Бухоро вилояти Кенгаши ва ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган махсус байрам совғалари тақдим этилди. Тадбир якунида Чилонзор тумани етакчилар Кенгаши аъзолари томонидан «Тенгдошимга савҳоват қарвони» лойиҳаси учун тайёрланган эсдалик совғалари Меҳрибонлик ўйи раҳбариятига топширилди. Лойиҳадан ўрин олган бошқа тадбирлар тўрт кун давомида Бухоро шаҳри ва вилоятнинг олис Қогон, Ғиждувон туманларидаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи имконияти чекланган, ногирон болалар хонадонларида ўтказилди. Ҳар бир хонадонга Қорбобо, Қорқизнинг алоҳида ташрифи ва ногирон болалар билан ўтказилган қизиқарли суҳбатлар, дилкаш давра ўйинлари, болажонларнинг Қорбобо, Қорқиз томонидан берилган топшмоқларга аниқ жавоблари, уларга ташкилотчилар тақдим этган эсдалик совғалари, ногирон болаларнинг ота-оналарининг қувонч билан қилаётган дуолари тадбир ташкилотчиларининг ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришганиларидан дарак бериб турарди.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар

Тадбирлар

СОВҒАЛАР ТОПШИРИЛДИ

«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ МИРОБОД ТУМАН БЎЛИМИ КЕНГАШИ, МИРОБОД ТУМАНИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ВА ТУМАН ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ БЎЛИМИ, ТУМАН МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ БЎЛИМИ, «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИНИНГ ТУМАН БЎЛИМИ ҲАМКОРЛИГИДА ЁШЛАРНИНГ ЁРДАМГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИГА, ЖУМЛАДАН НОГИРОН, МАХСУС ЁРДАМЧИ ВА МЕҲРИБОНЛИК ЎЙЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ҲАМДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИНГ ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИШ ҲАМДА ТУМАНДАГИ БЎҚУВЧИНИНГ ЙЎҚОТГАН ЁЛГИЗ ВА ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН ҚАРИЯЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИШ МАҚСАДИДА «КАМОЛОТ»ДАН ТУХФА» ТАДБИРЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ.

Тадбир давомида 57-махсус ёрдамчи мактаб ўқувчиларига, имконияти чекланган болаларга, маҳаллаларда истиқомат қилувчи ижтимоий ёрдамга муҳтож оила фарзандларига ва ёлғиз қарияларга совға-саломлар берилиб, уларнинг қалбига қувонч бағишланди. «Камолот» туҳфасини ўз эгаларига етказишда М.Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти талабалари яқиндан ёрдам бериб хонадонларга эртақ қаҳрамонлари қиёфасида ташриф буюриб уларнинг қувончларига қувонч қўшилди. Талабалар ҳар бир совға соҳибини билан дилдан суҳбатлашиб, уларнинг орзу-ниятлари ҳақида эшитиб, ўқиш ва ўрганишда ёрдам беришларини айтдилар.

Мулоҳаза

ОМАД КАЛИТИ

ДОНО ХАЛҚИМИЗДА БИР НАҚЛ БОР. «САБРНИНГ ТАГИ ОЛТИН». БУ ҲИҚМАТ БИР ҚАРАШДА ЖУДА ОДДИЙ ТУЮЛАДИ. АММО БОШИ БИР ҚАДАР АЧЧИҚ, ОХИРИ ДОИМ ТОТЛИ БЎЛГАН САБРНИМА ЎЗИ? Ҳаётда салгина қоқилсак ё бироз кўнгилсизлик рўй берса, ўзимизни гўёки жуда бахтсиз деб ҳис этишимиз, хаамиша шундай ашайдигандек нолиб қўямиз. Лекин бир нарсага эътибор беришимиз шартлигини унутамиз. Яъни тақдирнинг синовларини енгиб ўтиш учун сабр-матонатли бўлишни ёддан чиқарамиз. Холбуки барча мевалар дарахт япроқлари остига яширинганидек «сабр» меваси «шўкр» япроқлари остига беркитилгандир. Дарҳақиқат, «Дин ишларида олдинга бок, дунё ишларида ортинга қара дейиладди». Илло дин ишларида олдинга боксақ, иймонимиз, ҳузур-ҳаловатимиз ошиб боради. Нохуш ҳоллардан, исрофу адоватдан йироқроқ бўламиз. Дунё ишларида ортимизга қарасақ, ўзимиздан йўқсилроқ, ожизроқ, бири кам одамларни учратамиз. Шунда тўрт муҳамид соғлиқидан, бошқалардан бахтлироқ эканимизни кўриб шўкр қиламиз. Ҳаётда тақдирнинг аччиқ синовларини енгиб ўтиб бахтли, саодатли кунларни кечираётганларни кўрганда эса бу инсон шўкр япроқлари остида, албатта сабр неъматини топганини, шундай бахт, гўзал ҳулқ, одоб, чиройли сабр-матонат ҳар биримизга насиб этишини тилаймиз.

Роҳила ЭРҒАШЕВА Алишер МИРЗАЕВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИКМАТЛАР

Биров гур ўйиб, лой қиларди шу кун, Бу гур лойидан ғишт қуймоқ учун.

Чуқур ўйга ботди ўшал дамда чол, Деда нафсига: «Кўргил-у, ибрат ол.

У ғиштга дилинг бердинг, эй беҳабар, Сени лой қилиб, бир куни ғишт қуяр.

Тама оғзи очик эрур доимо, Юмилмайди бир лукмадан мутлақо.

Кеч, эй ҳиммати паст, бу ғишт меҳридан, Тўсолгунми дарёни бир ғишт билан?

Пул мол йиғишни қилурсан хаёл, Этиб умр сармоясин поймол.

Фурур чанги ақлинг кўзини тўсар, Кибр ўти умр хирмонига тушар.

Фурур сурмасидан пок этгил кўзинг, Ўтиб гураро сурма бўлгунг ўзинг».

Биров маргидан бўлмагил шодмон, Сени ҳам тирик қўймагил бу жаҳон.

Бу бош охири бўлгусидир фано, Дегайсан кўзи йўқ эди мутлақо.

Чопардим баланд тепани бир замон, Кулогимга етди бу оху фиғон:

«Ҳушинг бирла тешангни охиста ур, Юзу кўзу бошу кулоқ шундадир.

У кун шоҳ эдим — мулким эрди жаҳон, Қаро ерга тенгман, қара, бу замон».

ҲИКОЯТ

Боқарди биров бўрининг боласин, Бироқ улғайиб, ёрди ўз хожасин.

Ўтиб жон бериш ҳолатида эди, Ширин сўзли бир кимса шундай деди:

«Шу хил сийласан душманнингни агар, Билиб қўйи, пайт топса, қорнинг ёрар».

ҲИКОЯТ

Бир аблаҳ ўзи эл ҳақин ер эди, У хар дамда шайтон ланг дер эди.

Кўриб йўлда, шайтон унга дедиким: «Сенингдек разил дунёда кўрмадим.

Ахир, дилда-ку иккимиз дўстмиз, Негатиг кўтардинг менга, бетамиз?!»

Дур бир жойда бўлур ҳам оддий садаф, Богда баланд сарвалар ичра ўт-алаф.

Тўн ўзи хоҳ кимхоб, хоҳ шоҳи бўлур, Астар ости оддий пахтага тўлур.

Яхши ҳам, ёмон ҳам қолмайди мудом, Яхши олиб кет бундан яхши ном.

Жаҳонни кўп кўрган донишманд киши, Сафарда мўл юриб чиниқмоқ иши.

Бирликда ўтмаса маълум бир муддат, Кимса ичин билиб бўлмади албат.

Нима ҳам деярди менинг душманим, Яхшиликни қачон кўрибди ганим.

Билмадим кўргандим қай бир китобда, Айтай эсга келиб қолди шу толда.

Бировнинг тушига кирибди шайтон, Қомати тик эмиш нақ сарви равон.

Юзлари гўзалмиш бамисоли хур, Юзидан кўшдек таралармиш нур.

Ўлтириб қолибди, дебди: «Во ажаб, Фаристами дебман хуснингга қараб.

Гер хуснинг шул бўлса тўлин ой мисол, Начун хунуликка сен бўлдинг тимсол?

Қингир деб билурлар сенинг қоматинг, Ҳаммом ичра чизиб хунук суратинг?»

Бу сўзни эшитиб шайтон бечора Бир оҳ уриб, дебди дили минг пора:

«Чехрам тўлин ойдек, қоматим алам, Айбим шу — душманим кўлида қалам».

Тарозудан уриб турган савдогар, Мухтасиб олдида кўрқиб қалтирар.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



ФОЛИБЛАР РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШАДИ

АЁЛЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ШАХМАТ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР ЧЕМПИОНАТИ БАҲСЛАРИ НИХОЯСИГА ЕТДИ. ШВЕЙЦАРЧА УСУЛДА ВА ТАРАҚҚИЁТ КОЭФФИЦИЕНТИ БЎЙИЧА ТЎҚҚИЗ ТУРДАН ИБОРАТ ЧЕМПИОНАТ УЧРАШУВЛАРИДА 16 НАФАР ИШТИРОКЧИ ҒАЛАБА УЧУН КУРАШ ОЛИБ БОРДИ.

Кескин ва мurosасиз баҳслардан сўнг 9 имкониятдан 7,5 очко жамгарган ва Тараққиёт коэффиценти бўйича 36 очкога эга Надежда Бубенцова фоллиблар сафини бошқарди. 6,5 очко тўплаган Мирзо Улуғбек туманидаги 209-мактаб ўқувчиси Елена Вербова (Тараққиёт коэффиценти бўйича 29 очко) иккинчи ўринни банд этди. Республика ва шаҳар мусобақаларининг бир неча бор голиб ва совриндори, тажрибали шахмат устаси Эме Циганковага бу гал олти очко билан учинчи ўрин насиб этди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, чемпионатда кўрсатган натижаларига қараб икки спортчи турли спорт тоифалари талабларини бажаришга муваффақ бўлди. Яъни Чи-

лонзор туманидаги 103-мактаб ўқувчиси Маргарита Овсеньяга III тоифа берилган бўлса, шахмат федерацияси Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Матлуба Афолян II тоифали шахматчи номига сазовор бўлди. Тошкент шаҳар чемпионатининг барча голиб ва совриндорларига дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди. Бундан ташқари, дастлабки уч совриндор 29 январда Тошкент шаҳрида бошланғич Республика чемпионатида катнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

СУРАТЛАРДА: турнирдан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар

«Тошкент оқшоми» саломатлик хизмати

ОБ-ҲАВО ЎЗГАРИШИДАГИ МУОЛАЖАЛАР

Ҳар куни шу саволни бир-биримизга ва ўзимизга ҳам берамиз. Бу фақат шунчаки қизиқиш бўлиб қолмай, ишга, ўқишга, умуман кўчга қандай кийиниб чиқиш, турли касалликлардан ўзимизни қандай асрашимизни чамалаш учун керак. Чунки об-ҳавонинг ўзгариши бевосита инсон саломатлиги ва кайфиятига таъсир этувчи муҳим омиллардан ҳисобланади.

Статистик маълумотларга қараганда, катта ёшдаги аҳолининг 35 фоизи об-ҳаво ўзгаришларидан азият чекади. Магнит вазиятининг ўзгариши билан қон капиллярлар бўйлаб ўз ҳаракатини секинлаштирилади. Мутахассислар, шу жумладан, бугунги сўхбатдошимиз тиббиёт фанлари номзоди Мухаммаджон Миршарипов, мабодо, томирларда босим тўсатдан пасаядиган бўлса, организмни қон айланишининг тўхтаб қолишдан муҳофаза қилувчи рефлекс ишга тушади, деб ҳисоблашади. Бир томондан бу ҳолат организмни нобуд бўлишдан асради. Иккинчи томондан эса — инсон саломатлигига жиддий таъсир ҳам этади.

Атмосфера босимининг пасайиб-кўтарилиб туриши ҳужайравий мембраналарга таъсир кўрсатади. Шу тўғрисида қонга тушиб, ноқулайликни келтириб чиқарувчи моддалар алмашинувнинг баъзи бир махсулотлари, айниқса, гомотоксинлар фаоллашиб кетади. Хусусан, кўз-қил кезлари кечалари қаттиқ совуқ, кундузлари қуёш чарақлаб туради, кечга бориб эса, қор ўқунлай бошлаши мумкин. Буларнинг ҳаммаси инсонларга таъсир қилмай қолмайди.

Бундай пайтларда юрак ишемиясидан азият чекувчи беморларда стенокардия хужурали пайдо бўлади ёки кучаяди: ахвол ҳатто инфарктгача етиб бориши ҳеч гапмас. Гипертония (қон босимининг ошиши) касалига дучор бўлганларнинг аҳоли ёмонлашади. Об-ҳаво ўзгаришидан улар бошлари айланиши, юрак атрофларида оғриқнинг кучайганиги, нафас олишларининг қийинлашгани, кўнгил айниши, оёқ-қўлларнинг увишиши, кўз олдидан жимирлашдан шикоят қиладилар.

Нафас йўллари, ўпка касали билан оғриган беморлар об-ҳаво ўзгаришига йўтал, ҳарсиллаш, териларининг қуқариши билан жавоб қилишади. Шунинг учун ҳам об-ҳаво инжикликлари бехосдан сизни ёмон ахволга солиб қўймагани учун олдиндан об-ҳаво маълумотларидан хабардор бўлиб борганингиз маъқул. Албатта об-ҳаво билан боғлиқ ўзгаришлардан ҳам даволаниш талаб этилади. Бундай даволаниш энг аввало иммунитетни мустаҳкамлаш ва организмдан токсинларни чиқариб юборишга асосланиши лозим. Организм қанчалек мустаҳкам ва тана аъзолари қанчалек кам инфосланган бўлса, киши ташқи омиллар таъсиридан шунчалек ҳимояланган бўлади. Бунинг учун нималар-

Катрлар

Дўст танлаш

Назаримда мен у билан яқин дўст эдим. Орамиздан қил ҳам ўтмасди гўё. Шундан бўлса керак шаънимизга «Ахиллинингиз қандай яхши-я. Илоийм кўз тегмасин» деб айтишган гапларни айтмай-сизми? Омадим кулиб боққан кезлардаги мактовлар эди бу. Ётиб қолдим. Секин оёққа турғач, ўша дўстимнинг кўнглимни олишга озгина вақт тополмаганини ёзгирмоқчи эдим: — Кўйинг унинг нимасидан гина қиласиз? — деди кимдир оғзимга уриб. — Дўст танлашда адашгансиз, — дея унинг гапини изоҳлади бир танишим. — Гинани аввал ўзингиздан қилинг. Дўстни билиб танлаш ҳам улуг фазиладир.

ҚАЛБИДАН БОШЛАНГАН

— Шунча қимматли нарса яроқсиз ҳолга тушяпти-я, — деди бир одам темир уюмига ачинаиб. — Эҳтиёт қилса бўларди ёмғирдан. Занглашим асосан ёнғингарчиликдан бошланган. — Й-ў-к, — дея гинахонлик қилди темир «тил»га кириб, — занглашим, энг аввал ялқов эгамнинг занг босган қалбидан бошланган.

БИР БУТУН БЎЛАДИ

Бир йигит ўқувчи бола билан гап таллашиб, қаноат ҳосил қилмагач, унга савол берди: — Агар йўлингга одоб ҳақидаги қизикарли китоб билан пул кўриб қолсанг, қай бирига қўл қўзардинг? — Пулга, — деди ҳеч иккиланмай бола. — Мен эса пулни нари суриб, одобни ўргатадиган китобни олардим, ўғлон. — Тўғри қиласиз, — деди бола кулим-

ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

РЕСПУБЛИКА ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ БУШ МУРАББИЙ РАУФ ИНИЛЕЕВ ҲАМДА ЁРДАМЧИ МУРАББИЙ ВАДИМ АБРАМОВ ИШТИРОКИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ.

Тадбирда жорий йилнинг февралда бошланган жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида ливанлик футболчиларга қарши ўтадиган ўйин олдида олиб бориладиган тайёргарлик машғулоти ҳамда жамоа сафига жалб этилган футболчилар рўйхати эълон қилинди. Унга қўра, барча легионер футболчилар терма жамоа сафига жалб этилган. Шунингдек, Россиянинг «Рубин» жамоаси аъзоси Вагиз Галуилин ҳам илк бор терма сафида майдонга тушади. — Биз йигирма беш футболчини таркибга жалб этдик, — деди Рауф Инилеев. — Ливан жамоаси билан ўтадиган ўйин олдида Туркияда иккита нозорат учрашувида иштирок этамиз. Ушбу йилларда ўзларини яхши кўрсата олган футболчилар Ливан термаси билан бўладиган ўйинда майдонга тушади. Эслатиб ўтамоиз олтинчи февралда Ўзбекистон терма жамоаси сафарда Ливан термасига қарши ўтадиган ўйин билан 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати саралаш баҳсларининг дастлабки босқичини бошлайди.

Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»

ЯШАШ ЗАВҚИ

Эрта тонгда нав-нихолларнинг нозик-кина новдаларидан кўз узолмайман: маржондек тизилган шудринг томчиларининг ёришаётган тонг ёғдусида милтиллаб имлашидан ором оламан. Томчиларнинг умри қисқа экан. Бир қушнинг келиб қўнишидан новдалар силкинди. Томчилар қалтираб дув-дув тўкилди. Эҳ, бемавруд тез кетди-я. Лекин шуниси юракка далда берав эдики, томчилар оз яшасамиз соз яшаб маъно ва чиройда ибратли бўлди. Тўлин ой шу томчилар бағрида сузди. Қуёшнинг илк нур найзалари томчиларга санчилди. Осмон дарвозаси — камалак қўк ва қизғиш ранглари билан шу томчиларда жиловланди. Томчилар тўкилгунча яна қанча гўзалликларни бошдан кечирди. Сан наридаги қўлмақнинг яшаши эса кўрган кўзларга хунук эди: Яшаш завқидан бўлиб бенасиб. Хунук балчиққа ётар беланиб.

КИБР

Сояда қолган бугдойнинг бошоғи пучмағизсизлигидан ерга эгилолмаганидек, бошида илм-мағизи йўқ баъзи кишилар кибр-ла кеккайиб, юртининг назаридан қолблар.

ФЕЪЛИГА БОҒЛИҚ

Мол-дунё йиғишга қаттиқ ҳирс кўйганидан унинг қалб уйига оқибат, эзгулик ҳислари сигмай ундан узоклашди. Топгани ёмонликка буюрди. Мол-дунёдан кўра яхшилик мевасини кўпайтиришга интилган инсон эса элнинг иззат-ҳурматида мардона яшади. Топгани яхшиликка буюрди. Кимнинг топгани нимага буюриши ўзининг феълига боғлиқ.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

«Меҳрли савдо» шўъба корхонаси нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан катта миқдорда

ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТИБ ОЛАДИ:

- Россия, Украина, Қозғистонда ишлаб чиқарилган кенг турдаги ёрма (крупа-лар), жумладан: — гречиха, сўк (окланган тарик), арпа, бугдой ёрмаси, бўлинган нўхат, перловка ёрмаси; — қора ва қўк чой; — куруқ ҳамиртуриши, лавр япроғи, қора майда мурч; — қулоттирилган сут.

Мулоқот учун телефонлар: 137-14-59, 137-45-15. Факс: 137-14-92.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган. Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳаланганлиги комиссиянинг илчи органига қуйидаги телефонлар орқали муурожаат қилишингизни сўраймиз. Ҳудудий комиссиянинг илчи органи: 144-51-63, 140-32-18.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Тошкент шаҳрида ҳусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Дилмурод Ибрагимовга отаси Неъматжон ИБРАГИМОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатда олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3960 нусхада босилади. Қўзғаткичи А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига муурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланади. «Шарқ» нашрийт-матбоо оқшорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Тўрон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6